● *Бизнинг суҳбат*

# ИМКОНИЯТ ҚИДИРИБ

**«Хасково» совхози сабзавотчилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган Калинин районидаги йирик хўжаликлардан ҳисобланади. Афсуски, хўжаликда меҳнатни ташкил этишда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги, инсон омилидан унумли фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилмаганлиги туфайли кейинги йилларда қолоқлар сафига тушиб қолди, иқтисодий заифлашди. Совхознинг янги раҳбарлари аҳволни яхшилаш учун ўтган йили бир қатор чора-тадбирларни амалга оширдилар.**

**Мухбиримиз совхоз директори Тўлқин МУСАЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.**

**— Ўзингиздан қолар гап йўқ. Партия ва ҳукуматимиз ҳар бир коллектив, хўжалик олдига бошқарувнинг маъмурий усулларидан иқтисодий усулларига ўтишни бош вазифа қилиб қўйди. Бу соҳада сизларда қандай ишлар қилинмоқда?**

— Тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаш, ўзини ўзи қоплаш, маблағ билан таъминлашга эришиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб бориш талаб этилади. Бу тайёргарликнинг асосий моҳиятини ҳар бир тармоқда ҳисоб-китоб билан иш юритиш, тежамкорликка эътибор бериш белгилаб беради.

Афсуски, кейинги йилларда бизда бу имкониятлардан тўла фойдаланилмади. Айниқса, 1986 йилда совхоз ниҳоятда ночор аҳволга тушиб қолганди. Ўша йили сабзавот плани аранг 45 процент, картошка плани 86 процент бажарилди. Совхоз давлатдан 6 миллион 22 минг сўм қарз бўлиб қолди.

Биз аҳволни ўнглаб олиш учун, энг аввало, кадрлар масаласига эътиборни қаратдик. Бошқарув аппаратидаги штатлар сони салкам 40 тага қисқартирилди. Бош мутахассислар тажрибали кадрлардан тайинланди. Бир неча йилдан буён планни бажаролмай келаётган бригадирлардан 13 киши алмаштирилди. Ҳаммаси бўлиб 19 та бригада бор эди. Ҳозирги пайтда уларнинг сони 17 тага келтирилди. Бригада бошлиқлари демократик асосда сайланди. Бўлимларни тугатдик. Бу тадбирлар бошқарувнинг ихчам бўлиши ва осонлашишини таъминлади.

**— Ишлаб чиқаришга интенсив технология омиллари қандай жорий этилмоқда?**

— Бу технология фан, илғор тажриба ютуқларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланишни талаб этади. Ўзига яраша муаммолари бўлган, шаҳар атрофида жойлашган бизнинг хўжалик учун бу ғоятда муҳим. Сабаби экин майдонлари йил сайин қисқариб бормоқда. Биз интенсив технологияни жорий қилмасдан туриб, оз гектар ердан кўп маҳсулот ололмаймиз. Ҳар биримизнинг диққат-эътиборимиз ана шу масалага қаратилган.

Биз бундан буён ҳам аҳолига эртаги маҳсулот етказиб беришда пленка остига экин экиш самарасини ошириш учун курашамиз. Масалан, ўтган йили 60 гектар ерда пленка тагига экин экилиб, маҳсулотлар қиммат нархда сотилиб, яхшигина даромад олдик. Совхоз бўйича эртаги ва кечки экинлар ҳисобига 37 минг сўм ўрнига 90 минг сўм фойда кўрилди. Лекин бу чегара эмас. Биз ўтган йили бир килограмм эртаги карамни ўртача 20 тийиндан сотдик. Бу йил эса кам деганда 30—40 тийиндан сотишни мўлжаллаб иш олиб бормоқдамиз. Ана шу мақсадда қатор тадбирлар кўрилмоқда. Пудратга кенг йўл берилаётир.

Ҳамма бригадалар пудрат усулида ишлашга ўтганликлари учун ҳам ўтган йили яхши натижага эришдик ва совхоз бўйича план топшириқлари бажарилди.

Давлатга 9073 тоннадан ортиқ сабзавот сотилиб, планни ортиғи билан ўриниладик. Бу 1986 йилга нисбатан 3183 тонна кўп эди. Помидорни ҳам 1986 йилга нисбатан икки баравар кўп етиштирдик.

Агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга оширган, ишни бошидан пухта қилган, интизомни яхши йўлга қўйган коллективлар, айниқса, яхши натижаларга эришяптилар. Бу ўринда Тўйчи Йўлдошев бошлиқ бригаданинг тажрибаси ибратлидир. Бригада мўлжалдаги 550 тонна ўрнига 681 тонна сабзавот маҳсулоти топширди, даромади мўмай бўлди. Бу коллектив қўшимча 7300 сўм фойда олди. Бу фойда бригада аъзоларига тақсимлаб берилди.

Комил Қобилов бригадасида қилинган яхши ишлардан бири шу бўлдики, улар йил бошиданоқ планларни экин турлари бўйича бажаришга катта эътибор бердилар. Совхозда ўртача ҳар гектаридан 19 тоннадан помидор ҳосили олинган бўлса, бу бригадада 28 тоннага етказилди.

**— Чорвачиликни рентабелли тармоққа айлантириш учун нима қилиш керак?**

— Очиғини айтганда бу ғоятда қийин, лекин уддаласа бўладиган вазифа. Бунинг учун энг биринчи навбатда озуқага ажратилган майдонларнинг самарадорлигини кескин ошириш керак. Биз ўтган йили бу соҳада бир мунча ютуқларга эришдик ва чорва қишлови учун 610 тонна беда пичани, 1215 тонна сенаж, 89 тонна бошқа дағал хашаклар тайёрланди. 1213 тонна силос бостирилди. Мавжуд озуқадан тежамли фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Шунинг учун ҳам ўтган йилги натижалар анча салмоқли бўлди. Сут, гўшт планларини ошириб бажардик. Ўтган йили пландаги 910 тонна ўрнига 997 тонна сут сотдик. Бу 1986 йилдагидан 69 тонна кўп, гўшт сотиш эса 67, 6 тонна ўрнига 94,5 тоннага етказилди. Бир центнер сутнинг таннархи пландаги 29 сўм 40 тийин ўрнига 28 сўм 20 тийинга тўғри келди. Гўштнинг таннархи эса мўлжалдаги 335 сўм ўрнига 315 сўм 20 тийинга тушди.

Ҳали бу тармоқда имкониятлар кўп. Биз чорвачиликда ишни коллектив пудрати асосида ташкил этиш, сарф-ҳаражатларни ҳисоблаб боришда чек системасини қўллашни мақсад қилиб қўйганмиз.

Буларнинг барчаси даромадни, соф фойдани кўпайтириш имкониятини беради. Ўтган йили совхознинг умумий реализация плани 3 миллион 150 минг сўмни ташкил этди. Пландаги 112 минг сўм ўрнига 150 минг соф фойда олинди.

**— Булардан кўриниб турибдики, хўжаликни бошқаришни қайта қуриш, янгиланиш, покланиш соҳасида илк қадамлар қўйиляпти. Ҳали кўп иш қилиш керак. Шундай эмасми?**

— Биз тўла хўжалик ҳисобига ўтиш жараёнида энг аввало ҳар бир тармоқда меҳнат унумдорлигини оширишга эътибор беришимиз керак. Бунинг учун бригада пудрати, коллектив пудратини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, ўрта бўғин кадрларининг иқтисодий малакаларини ошириш зарур. Бусиз мақсадга эришиб бўлмайди. Бусиз муаммоларни ҳал этиш қийин. Муаммолар эса кўп. Масалан, айни ҳосил йиғимтерими қизғин пайтда кўпинча яшчиклар етишмайди. Шаҳарга маҳсулот етказиб беришда қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Магазинлар эса яшчикларни тўла қайтариб беришмайди. Пулдан чегириб қолаверинглар, деб айтишади. Шунинг учун бу масалада қатъий тартиб ўрнатиш керак.

Лекин ҳамма айбни уларга тўнкаш ҳам инсофдан бўлмайди. Ҳисоб-китоб билан иш юритган бригадалар ўзларига тегишли идишларни асраб-авайлаб ишлатмоқдалар. Масалан, Тўйчи Йўлдошев бригадасида бу иш айниқса, яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳам бу бригада етиштирган 160 тонна маҳсулотнинг 120 тоннасини шаҳарликларга етказиб берди. Бунинг ҳисобига катта фойда кўрди.

Яна бир муаммо. Бу — уруғлик масаласидир. «Сортсемовош» томонидан етказиб берилаётган уруғлар ҳар хил чиқиб қолади. Бунинг устига тўла унмайди. Уларнинг масъулиятини ошириш керак. Ўзимиз ҳам қараб турмаслигимиз, хўжалик учун зарур миқдордаги уруғликни ўзимиз етиштириш йўлларини қидиришимиз керак.

Очиқ ерга экиладиган сабзавот маҳсулотларининг ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан теплицада етиштириладиган кўчатларнинг сифатига боғлиқ. Илгарилари уруғлик сийрак сепилиб, кўчат пикировка қилинмас экан. Натижада ниҳоллар нимжон бўлиб қоларди. Эндиликда биз карам ва помидор кўчатларини албатта, пикировка қилиб сўнг далага чиқариб экяпмиз.

Мана, ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳада баъзи ишлар қилинди. 60 килограмм карам уруғи сепиб қўйган эдик. Кўчатларни пикировка қилишни барвақт бошладик. Бу ишни 25 январдаёқ тугаллаганмиз.

Янги йилдаги режаларимиз катта. Ҳосилдорликни, ялпи маҳсулот миқдорини ўтган йилдагига қараганда оширамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ беш йилликнинг учинчи йили плани ҳисобидан 5 тоннага яқин ошкўк резавор етказиб бердик. Қишловни яхши ўтказаётганлигимиз туфайли районнинг кўчма қизил байроғини сақлаб қолдик.

Ариқ-зовурларни тозалаш, техникани ремонт қилиш ишлари асосан тугалланди. Ҳар бир тармоқда кескин бурилишга эришиш учун, энг аввало, инсон омилидан фойдаланишга алоҳида эътибор берамиз.

**Суҳбатни Н. РИХСИЕВ ёзиб олди.**

● *Демократияга ўрганайлик*

# РЕЗЕРВДАН САЙЛАНДИ

Совхоз директори А. Икматовнинг ўз вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги аризаси қондирилди. Социалистик давлат корхоналари (бирлашмаси) ҳақидаги қонунга биноан янги директор совхоз меҳнаткашлари конференциясида сайланадиган бўлди.

Бу тадбирни ўтказишга олдиндан пухта ҳозирлик кўрилди. Бўлимларда йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда 155 нафар делегат сайланди.

Совхоз партия комитети секретари А. Тиловов конференцияни очиб ишчиларни кун тартибига қўйилган масала билан таништирди. Совхоз директорлигига кадрлар резервида турган совхоз бош бухгалтери Нормурод Эсонов билан район агросаноат бирлашмаси бош агрономи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Хўжаҳамид Бобомуродов номзоди кўрсатилган эди. Ҳар иккала номзод ҳақида қисқача характеристика берилди. Шундан сўнг директорни сайлаш бошланди.

Давлат корхоналари (бирлашмаси) ҳақидаги қонунда сайловчиларнинг хоҳишига қараб сайлов яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилиши мумкин эди. Конференция делегатлари директорни очиқ овоз бериш йўли билан сайлаш истагини билдиришди.

Биринчи бўлиб М. Эсонов номзоди овозга қўйилди. Делегатларнинг ҳаммаси шу номзод учун овоз берди. Социалистик демократия талабларига кўра энди иккинчи номзодни овозга қўйишга ҳожат қолмади. Шундай қилиб Ойбек номли совхоз директорлигига Нормурод Эсонов очиқ овоз бериш йўли билан сайланди.

Конференцияда янги қонун талабларига мувофиқ меҳнат коллективининг 25 кишидан иборат кенгаши ҳам сайланган. Биринчи ташкилий йиғилишда техника хавфсизлиги бўйича инженер О. Ҳайдаров кенгаш раиси этиб сайланди.

**К. МАВЛОНОВ, Р. ЭСОНОВ,**
**Бекобод райони.**

# КОЛЛЕКТИВ РОЗИ БЎЛМАДИ

Аркадий Николаевич ўз аризасидан сўнг масаланинг бундай тус олишини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. У оилавий аҳволи туфайли директорлик лавозимидан озод қилишларини сўраган эди.

Орадан кўп ўтмай карьерда ишчиларнинг умумий йиғилиши бўлди. Кун тартибида янги директорни сайлаш масаласи турарди.

— Ўртоқлар, — деди қумшағал карьери партия ташкилоти секретари Н. Мадаминов,— корхонамиз директори А. Н. Хан ўз аризасига биноан директорликдан бўшашга қарор қилди. Унинг аризаси юқори ташкилотлар томонидан қондирилди...

Шу пайт залда ғовур-ғувур бошланди. Биринчи бўлиб минбарга токарь Л. М. Юн отилиб чиқди.

— Ҳақиқатан ҳам Аркадий Николаевичнинг оилавий шароити мураккаблигини яхши биламиз,— деди у.— Лекин уни шу ерда ишлаб туриб ҳам тўғрилаш мумкин деб ўйлайман. Фарзанди бетоб бўлса даволаш учун ҳозир барча имкониятлар бор. Шунинг учун боланинг касаллигини баҳона қилиб ишдан бўшаш ўринсиз деб ўйлайман. Аркадий Николаевич корхонамизга раҳбар бўлганидан бери ишимиз анча олға босди. У коллектив ҳурматини қозонди, янгича ишлашга ўтдик. Ҳамма икир-чикирлар директоримизга беш қўлдек маълум. Шунинг учун Аркадий Николаевич ишни давом эттириши керак. Унга коллектив жавоб бермайди.

Слесарь А. Саримсоқов ҳам шу фикрни қўллаб-қувватлади.

— Мен шу ерда 15 йилдан бери ишлаб келаяпман, — деди у.— Директоримиз ҳам ўз фаолиятини слесарликдан бошлаган эди. Кейинчалик механик, цех бошлиғи, бош инженер бўлиб ишлади. Тўрт йилдирки, корхонага раҳбарлик қилаяпти. Шу давр ичида кўпгина масалалар ижобий ҳал этилди. Ўзи камтарин, хушмуомала одам. Муаммоларни ҳал қилишда ишчиларнинг фикрига таянади, кўпчиликнинг маслаҳатига қулоқ солади.

Бош бухгалтер В. В. Шейко, инженер-техник ходимлардан А. Ю. Маршина, П. Чинозбоев ва бошқа ўртоқлар ҳам Аркадий Николаевичдан аризасини қайтариб олишни сўрашди. У президиумда ўтириб ишчиларнинг гапларини тинглар экан, қалбида аллақандай ҳис-ҳаяжон уйғонди. Босиб ўтган ҳаёт йўли кўз олдига келди. Шундай коллективдан ажралиб кетиш нақадар оғир. Ҳар томонни ҳисобга олиб, у коллектив билан қолишга қарор қилди.

**З. ҚУРТНЕЗИРОВ,**
**Чиноз шаҳри.**

# «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «БОЛАЛАР ДУНЁСИ»НИНГ ТАШВИШЛАРИ»

**Газетанинг ўтган йил 9 декабрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолага Ўзбекистон ССР Савдо министрининг ўринбосари К. Ш. Шукуровдан жавоб олинди. Унда қуйидагилар айтилади:**

**«Сўнгги йилларда республикада болалар товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ассортиментини кенгайтириш, ва сифатини яхшилашга қаратилган қатор чоралар кўрилди. Болаларга мўлжалланган тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш 1987 йили 1986 йилга нисбатан 5,4 процент, трикотаж буюмлари 15,7 процент, пайпоқлар 10,6 процент, чарм пойабзали 17,3 процент ошганига қарамай республика аҳолисининг болаларга мўлжалланган тикувчилик буюмларига бўлган эҳтиёжи тўла таъминланмади.**

**1988 йилда савдо ташкилотларининг талаби билан болаларга мўлжалланган тикувчилик буюмлари моделларининг 78,0, трикотаж кийимлари 74,0, чарм 50 проценти янгиланади.**

**Болалар пальтоси тайёрлаш 1987 йилга нисбатан 43,2 мингта, болалар костюмлари 170,7 мингта, шойи сорочкалар 525 мингта, ип кўйлаклар 13,5 мингта, ип сорочкалар 161 мингта, аралаш толалардан тайёрланган болалар плашлари 31,6 мингта, капрон курткалари 41 мингта, қизлар пойабзали 300 минг жуфт, мактаб ёшидаги болалар пойабзали 100 минг жуфт, мактабгача ёшдаги болалар пойабзали 1,7 миллион жуфт, устки трикотаж кийимлари 1,1 миллионта кўпаяди, болаларга мўлжалланган бошқа қатор буюмлар ишлаб чиқариш ҳам ортади.**

**Республикада ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, товарлар ассортиментининг кенгайиши натижасида болалар трусиклари ва панталонлари, шойи сорочкалар, жун шимлар, қизлар учун жун ва шойи газламадан тайёрланган мактаб формаси, капрон курткалари, чақалоқлар учун комплектлар ва ички кийимлар, аралаш толадан майка ва фуфайкаларга бўлган тақчиллик бартараф этилди.**

**Бироқ Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналари томонидан савдо ташкилотларининг талабномаларининг қониқарсиз бажарилиши ва импорт қилинган маҳсулотларнинг етарли миқдорда ажратилмаслиги натижасида республикада, шу жумладан Тошкент шаҳрида болалар пальтолари, костюмлари, ип газламалардан тикилган сорочкалар ва кўйлаклар, аралаш толадан тайёрланган плашлар, болалар пойабзали, болалар ва қизлар учун пионер формалари ва бошқа шу каби маҳсулотларнинг етишмаслиги давом этади.**

**Бош савдо бошқармаси болалар товарлари билан савдо қилишни уюштиришни ва сотишни марказлаштиришни яхшилаш мақсадларида 1988 йилда «Болалар дунёси» чакана савдо фирмасига қўшимча ресурслардан 1 миллион сўмлик трикотаж буюмлари, 1440 минг сўмлик колготкилар, 3 миллион сўмлик тикувчилик буюмлари, 950 минг сўмлик чарм пойабзали ажратди.**

# ВЕТЕРАНЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Область уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг пленумида ветеранлар ташкилотининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда кенгаш раиси А. П. Алимов қисқача ахборот берди.

Истеъфодаги генерал-лейтенант Б. Сирожидинов область уруш ва меҳнат ветеранларининг моддий турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида ўтказилган Бутуниттифоқ рейди якунлари тўғрисида доклад қилди. Докладда бугунги кунда уруш ва меҳнат ветеранларига ҳар томонлама ғамхўрлик кучайганлиги, ҳалок бўлган ёки бедарак кетган жангчиларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнатга лаёқатли ветеранларни иш билан таъминлаш қай даражада эканлиги батафсил кўрсатилди.

Областда 7 та шаҳар ва 15 та район уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари мавжуд. Ветеранларга моддий ёрдам кўрсатишни яхшилаш мақсадида 68 та озиқ-овқат маҳсулотлари ва 16 та саноат моллари билан савдо қилувчи магазин ташкил этилди. Шунингдек, уларни гўшт ва сут билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари Улуғ Ватан урушининг 1 группа инвалидлари уйига элтиб берилаяпти.

Бутуниттифоқ рейди ҳали бу соҳада талайгина камчиликлар борлигини ҳам кўрсатди. Жумладан, уруш ва меҳнат ветеранлари учун чойхона-клублар қуриш, уларни якка тартибдаги меҳнат ва кооперативларга жалб этиш, уй-жой, телефонлар билан таъминлаш ҳамон қониқарсиз аҳволда. Бундай нуқсонларни кечиктирмай бартараф этиш зарур.

# ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

**9 ойдан бери оширилган пенсия пулимни ололмаяпман. Район социал таъминотига бу ҳақда мурожаат қилсам, ҳар гал келаси ойдан ҳаммасини бир йўла оласиз, дейишади. Бу ҳол қачонгача давом этади?**

**Ф. ЗИЯЕВА,**
**Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз.**

Фарида Зияеванинг юқоридаги шикоят аризаси юзасидан область социал таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари В. Арутюняндан жавоб олинди. Унда район социал таъминот бўлими нафақа пулларини марказлаштирилган усулда тўлашга кўчирилишида ҳужжатларни нотўғри расмийлаштирганлиги аниқланганлиги кўрсатилади. Ариза эгасига нафақа пули тўлашда камчиликка йўл қўйилганлиги шу йилнинг 7 январида маълум бўлди. Унга 20-ҳужжат асосида 1987 йилнинг 1 мартидан 1988 йилнинг 1 февралигача бўлган муддатдаги фарқи 273 сўм 35 тийин жўнатилган. Шу кунларда нафақа пуллари марказлаштирилган усулга кўчирилганлиги учун район социал таъминот бўлимидаги ҳисобчилар қисқартирилган. Область социал таъминот бўлими йўл қўйилган ушбу камчилик учун Ф. Зияевадан кечирим сўрайди.

* * *

**Ўғлим Абдуманноп 1985 йилнинг 5 декабрь куни мотоцикль билан уриб кетилганлиги оқибатида ҳалок бўлди. Айбдорлар аниқ бўлишига қарамай улар шу кунгача жазосини олгани йўқ.**

**А. ЧИНТОШЕВ,**
**Нариманов шаҳар, Янгибозор қишлоғи.**

Юқоридаги мазмундаги хат бўйича область прокуратураси текшириш ўтказди. Маълум бўлишича, Е. Муротов Янгибозор-Жумабозор, Ўртасарой автомагистралининг 17-километрида «Ява-250» мотоцикли билан кўча четида маст ҳолда ўтирган Абдуманноп Чинтошевни уриб кетади. У касалхонага келтирилгач, вафот этади. Е. Муротов эса Совет Армияси сафига чақирилганлиги учун ички ишлар бўлимининг терговчиси жиноий ишни тўхтатади.

Область прокурори вазифасини бажарувчи К. Ю. Юсупов Е. Муротовни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорнинг тўхтатилганлигини нотўғри деб топди ва ишни қўшимча тергов қилиш учун Е. Муротовни армия сафидан чақириб олишга қарор қилинди.

* * *

**702/71 алоқа бўлими Октябрь колхозининг Карл Маркс участкаси аҳолисига хизмат кўрсатишда камчиликка йўл қўймоқда. Кейинги ойларнинг ўзида бизга хизмат кўрсатадиган участканинг ўзида тўрт марта почтальон алмаштирилди. Ёзилган кундалик газета ва журналларимизни қачон ўз вақтида келтириб беришади. Шу масалада ёрдам беришларингизни илтимос қиламиз.**

Юқоридаги хатга район Совети ижроия комитетининг раис ўринбосари Н. Тоировдан олинган жавобда Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг Карл Маркс участкаси аҳолисига алоқа хизмати кўрсатишдаги жиддий нуқсонлар тугатилган. Мазкур участкага бириктирилган янги почтальон газета ва журналларни эгаларига ўз вақтида етказиб бермоқда, дейилади.

* * *

**Бекобод район халқ маорифи бўлимининг мудири И. Тоировда ташаббус, талабчанлик етишмайди. У мудир бўлгач, районимиздаги айрим мактабларда тартиб-интизом тамомила бўшашиб кетди.**

Райондаги бир группа ўқитувчилар томонидан редакцияга юборилган юқоридаги мазмундаги хатга область халқ маорифи бўлимидан жавоб олинди. Хат юзасидан ўтказилган текширишда унда кўрсатилган қатор фактлар тасдиқланган. Текшириш натижалари халқ маорифи бўлими коллективи ўртасида муҳокама қилинган. И. Тоиров мактабларга методик ёрдам кўрсатишга етарли раҳбарлик қилмагани ва бошқа қатор камчиликларга йўл қўйганлиги учун вазифасидан бўшатилган.

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

## ЮБИЛЕЙ КЎРГАЗМАСИ

● ПРАГА. Ўтган дам олиш кунлари минглаб прагаликлар ва Чехословакия пойтахтининг меҳмонлари Прага ҳарбий музейида очилган «Совет Армияси тинчлик ва социализм посбонлигида» кўргазмасида бўлдилар. Бу кўргазма айниқса ёшлар орасида машҳур бўлиб кетди. Экспозицияга қўйилган ҳужжатлар, фотосуратлар, қурол-яроғлар намуналари Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг тарихий йўли ҳақида ҳикоя қилади, революцион ва жанговар анъаналар билан таништиради. Кўргазма бўлимларидан бири совет жангчиларининг Чехословакия халқ армияси жангчилари билан дўстлигига, уларнинг биргаликда ўтказиладиган машқларда қатнашувига бағишланган. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 70 йиллигига бағишланган кўргазма Чехословакия халқ армияси Бош Сиёсий бошқармаси ва СССР Қуролли Кучлари музейи томонидан тайёрланиб ўтказилмоқда.

(ТАСС).

## АҚШНИНГ ҚОРА ДЕНГИЗДАГИ ЖОСУСЛИК ОПЕРАЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг кемалари — «Йорктаун» крейсери ва «Кэрон» эсминеци 12 февраль куни СССРнинг давлат чегарасини жўрттага бузиб, Америка матбуотининг хабарларига кўра, совет ҳарбий-денгиз базалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш юзасидан жосуслик юмушларини бажарганлар. «Нью-Йорк таймс» газетасининг расмий кишиларга таяниб хабар беришига қараганда, кемаларнинг вазифаларидан бири разведка маълумотларини тўплашдан иборат бўлган. Шу газетанинг маълумотига кўра, «Кэрон» эсминеци жосуслик аппаратлари билан жиҳозланган махсус кемадир. «Кэрон» илгари Никарагуа, Ливия, Ливан қирғоқларида разведка операцияларини адо этган ва 1986 йил баҳорида Америка кемаларининг СССР қирғоқларидаги иғвогарона сафарида иштирок этган.

Америка маъмурлари Қрим қирғоқларидаги иғвогарлик ҳуружини оқлаш учун ношудлик билан уриниб кўрдилар. Давлат департаментининг вакили Филлис Оуклихонимнинг айтишича, гўё АҚШнинг шундай хатти-ҳаракатлар қилишига «қонуний ҳуқуқи» бормиш ва Совет Иттифоқининг территориал сувларига атайлаб бостириб кириш халқаро ҳуқуққа «мос» эмиш. Пентагон вакиллари махсус брифингда АҚШ кемаларининг ҳуружини махсус «миллий программа» доирасида ўтказилаётган «одатдаги топшириқ», деб атадилар.

Айни вақтда, Американинг Эн-Би-Си телекомпанияси таъкидлаётганидек, кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, Америка сиёсати аввал бошданоқ иғвогарона тусдадир. Таниқли ҳарбий эксперт, истеъфодаги адмирал Жин Ларок Си-Би-Эс телепрограммаси мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: «Совет Иттифоқининг территориал сувларига бостириб кириш учун на разведка ва на бошқа бир ҳеч қандай ҳарбий зарурат йўқ. Биз у ерга жанжал чиқариш учун бордик». Бошқа бир мутахассис, истеъфодаги адмирал, бир вақтлар Қора денгиз районида АҚШ кемаларига қўмондонлик қилган Южин Кэррол ҳам ана шундай хатти-ҳаракатларни «ниҳоятда чўчитадиган» хатти-ҳаракатлар, деб атади. «Айниқса, ҳозир, АҚШ билан СССР қурол-яроғлар устидан назорат ўрнатиш масалаларида ва бошқа проблемаларда бир-бирини тушунишга ҳаракат қилишга интилаётган кезда бу худди иғвогарликка ўхшаб кўринади», деб таъкидлади у. Ана шундай вазиятда масала АҚШ ўз кемаларини 12 милли территориал сувлар зонасига юборишга ҳақ-ҳуқуқи борлиги ҳақида ҳам эмас, деди Брукингс институтида ишлаётган ҳарбий-денгиз проблемалари бўйича эксперт Майкл Макгуайр. Асосий масала шундаки, бу қилмиш сиёсий нуқтаи назардан оқилонами, биз ўзимизни нохуш ишларга ураётганимиз йўқми, деди бу мутахассис.

## Сўнгги соатда

● ЖЕНЕВА. Социалистик интернационал маслаҳат кенгаши аъзолари Европада ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш юзасидан ўтказилган олий даражадаги Совет-Америка учрашувидан сўнг пайдо бўлган қуролсизланиш истиқболларини муҳокама қиладилар. Улар бу ерда СССР, АҚШ вакиллари ҳамда БМТнинг қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи экспертлари билан учрашадилар. Финляндия ташқи ишлар министри раислигида ўтадиган мажлисда ГФР, Австрия, Франция, Буюк Британия, Италия ва бошқа мамлакатлар социалистик партияларининг таниқли аъзолари ҳозир бўладилар.

● РИМ. Исроил Бош министри Ицхак Шамир бу ерга расмий визит билан келди. Италия пойтахтида у республика президенти Франческо Коссига, Италия Министрлар Кенгашининг Раиси Жованни Гориа, Ташқи ишлар министри Жулио Андреотти, сенат ва парламент депутатлари палатаси раислари, қатор сиёсий партияларнинг раҳбарлари билан учрашади, деб ёзади «Република» газетаси. Шамирнинг визити арафасида, деб қайд этади газета, баъзи сўл партиялар намояндалари Италия президентига мурожаат этиб, босиб олинган араб территорияларида Исроилнинг шафқатсизларча бедодлигига қарши норозилик белгиси остида унинг визитини бекор қилишни талаб этдилар.

(ТАСС, 15 февраль).

## ЛИВАН ПРЕЗИДЕНТИГА СУИҚАСД

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливан президенти Амин Жмайлга суиқасд қилишга уриниш барбод бўлди. Давлат бошлиғи жума куни чет эл сафарига жўнаб кетиши лозим бўлган Ливан авиация компаниясига қарашли самолётда хавфсизлик хизмати ходимлари портлатиш қурилмаси борлигини аниқладилар. Учувчи юмшоқ ўриндиғининг тагидаги портловчи модда заряди электрон портлагич билан жиҳозланган бўлиб, у самолёт 10 минг метр баландликка кўтарилганида ишлаши лозим эди.

Байрут аэропортини қўриқлаб турган Сурия ва Ливан қуролли кучларининг вакиллари тергов олиб бормоқдалар.

Байрутдаги вазият ҳавотирли бўлиб турибди. Пойтахтни ғарбий ва шарқий секторларга бўлиб қўйган «яшил чизиқ» бўйлаб ўтган куни артиллерия ва гранатометлардан фойдаланиб отишмалар бўлди. Байрутнинг жанубий чеккаларидаги отишма айниқса, шиддатли ўтди. Ярадорлар бор. Қарама-қарши турган томонлар хавфсизлик кучлари намояндалари аралашганидан кейингина ўт очишни тўхтатдилар.




**Жанубий Африка экономикасининг асоси бўлган қимматбаҳо тошлар, олтин, кўмир каби қазилма бойликларни ишлаб чиқариш машаққати шахтёрлар зиммасига тушмоқда. Лекин уларга тўланаётган жуда кам иш ҳақи натижасида қашшоқликда кун кечиришга мажбур бўлмоқдалар. Суратда: шахтёрлар иш ҳақини 30 процентга оширишни талаб қилмоқдалар.**

**ТАСС фотохроникаси.**

